

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил май ойининг йигирма еттинчи куни Қўшқўпир тумани, Гулзор маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Қўшқўпир туман судининг раиси А.Аминов, судья ёрдамчиси И.Курбонбоевнинг котиблигида, тарафлардан Қўшқўпир туман прокурорининг ёрдамчиси М.Болтоев, жабрланувчи З.Бабожанов, судланувчи Б.Абдуллаев ва унинг ҳимоячиси адвокат Б.Алламов иштирокида,

Абдуллаев Бекзод Аллаярович (Abdullaev Bekzod), 1989 йил 22 декабрь куни Шовот туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, судланмаган, вақтинча ишсиз, Шовот тумани, Қундуз маҳалласи, Шарқ кўчаси, 86-уйда яшайди, 2022 йил 28 апрель кунидан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 5 май куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчига оид 1-2207-2201/16-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Б.Абдуллаев, 2022 йил 9 февраль куни соат 15ларда ўрталаридаги низо сабабли онасининг уйига кетиб ўтирган турмуш ўртоғи Г.Ибраҳимова билан ўртасида юзага келган келишмовчилик бўйича қайнонаси З.Бабожановнинг уйига борган пайтида ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик сабабли жанжаллашиб, ушбу жанжал натижасида З.Бабожановни танасининг турли жойларига қўлида бўлган ўқлов билан уриб, унга соғлиғининг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган соғлиғининг бузилиши билан боғлиқ бўлган қасддан баданига енгил шикаст етказган.

Судланувчи Б.Абдуллаев ўзининг ушбу жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган.

Судда судланувчи Б.Абдуллаев, айбига тўла иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 9 февраль куни соат 15ларда З.Бабожановнинг уйига борганини ва уни келишмовчилик сабабли урганлигини, ҳозирда жабрланувчидан кечирим сўраб, ярашиб олганликларини, етказилган мулкий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини, ўзига нисбатан бўлган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш тўғрисидаги берган аризасини қувватлаб, уни қаноатлантиришни суддан сўраб, кўрсатув берди.

Судда жабрланувчи З.Бабожанов, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 9 февраль куни соат 15ларда уйда куёви Б.Абдуллаев ўқлов билан урганлигини, ҳозирда Б.Абдуллаев етказган мулкий ва маънавий зарарларини қоплаганлигини, кечирим сўраганлигини, бир-бирлари билан ўзаро ярашиб олганларини, шунинг



учун Б.Абдуллаевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ярашув жараёнида ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмаганини, суд ярашувни тасдиқласа, ушбу айблов бўйича иш юритишни қайта тиклаш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганлигини, Б.Абдуллаевга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишлик тўғрисидаги берган аризасини қувватлаб, уни қаноатлантиришни суддан сўраб кўрсатма берди.

Суд, судланувчи ва жабрланувчи З.Бабожановнинг кўрсатувларини, Қўшқўпир туман прокурорининг ёрдамчиси М.Болтоевнинг судланувчи ва жабрланувчини ярашув тўғрисидаги аризаларини қаноатлантирилиши лозим деб берган хулосасини, адвокатнинг аризаларни қаноатлантириш лозим деб берган фикрини тинглаб, судланувчининг ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, содир қилган қилмишнинг оқибатларини англаганлигини, келтирилган зарарлар тўлиқ бартараф қилинганлигини, ярашув тўғрисидаги аризалар ҳеч қандай тазйиқсиз, ўз хоҳишлари билан ёзилганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, суд мажлиси баённомасини тасдиқлашни, судланувчи Б.Абдуллаевга нисбатан бўлган мазкур жиноят ишини ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига биноан тугатишни лозим топади.

Шу билан биргаликда, жабрланувчи З.Бабожановга суд томонидан, суд мажлиси баённомасини тасдиқлаш ва жиноят ишини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасида назарда тутилган оқибатларни тушунтиришни, шунингдек, судланувчига нисбатан дастлабки тергов даврида қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчи Абдуллаев Бекзод Аллаярович (Abdullaev Bekzod)га нисбатан бўлган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Б.Абдуллаевга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Бабожанов Зухро Хударгановнага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Жиноят натижасида етказилган зарар бартараф этилганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози тараф ажрим устидан йигирма сутка ичида Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

(имзо)

А.АМИНОВ



Аслига тўғри:

Ҳужжат имзоланган: Аминов Акбар Султонназирович, 18.06.2022

